

“O’ZBEKISTON
RESPUBLIKASI TASHQI
IQTISODIY FAOLIYAT
MILLIY BANKI”
AKSIYADORLIK JAMIYATI



АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО
“НАЦИОНАЛЬНЫЙ БАНК
ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКОЙ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН”

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ
МИЛЛИЙ БАНКИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ
ЙИҒИЛИШИНинг**
11–сонли баёни

Манзил: Ўзмиллийбанк Бош офиси, Тошкент
шахри, Амир Темур шох кўчаси, 101-үй.

2021 йил “07” декабр
Иш вақти: 09:30 – 10.05

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ (кейинги ўринларда – Ўзмиллийбанк) акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишига Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Юридик хизмати бошлиғи Норгитов Мухитдин Журабоевич раислик қилди. Шунингдек йиғилишни очиб берди ва қуйидагиларни маълум қилди.

Банк Кузатув кенгаши томонидан 16.11.2021 йилдаги 41-сонли мажлис баёни билан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Конунлар ҳамда Ўзмиллийбанкнинг Уставига мувофиқ, Ўзмиллийбанк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини 07.12.2021 йилда чақириш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда умумий йигилишни ўтказиш вақти, жойи, кун тартиби тўғрисидаги ҳабар 2021 йил 17 ноябрда Банкнинг расмий веб-сайти ва Корпоратив маълумотлар ягона порталида шунингдек 2021 йил 18 ноябрда “Ҳалқ сўзи” газетасининг 247-сонида ва “Нородное слово” газетасининг 240-сонида жойлаштирилиб, акциядорларнинг электрон почта манзилларига (“e-xat” орқали) юборилган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конуннинг 61-моддаси ҳамда Кузатув кенгашининг қарорига биноан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузиш санаси 2021 йил 17 ноябр куни этиб белгиланган.

фаолияти натижаларига кўра соф фойдани тақсимлаш масаласи) тақсимланмаган фойда ҳисобрақамида қолдирилган 512.178.192.631,58 сўмни ва 2021 йил яқунлари бўйича олинадиган соф фойдани тўлиқ акциядорларнинг банк капиталидаги улушини оширишга йўналтириш мақсадга мувофиқлигини қайд этди.

Юқоридагиларни инобатга олган холда шунингдек банк кузатув кенгашининг тавсиясига асосан банк уставига қўйидагича ўзгартиришлар киритилиши таклиф этилди:

Банк уставининг 4.3 банди:

Банкнинг эълон қилинган (қўшимча) чиқарилиши мумкин бўлган акцияларнинг энг кўп миқдори 2 000 000 000 (икки миллиард) дона, номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўмлик оддий акцияларни ташкил қиласди.

Банк устави 11.4 бандининг (Банк Кузатув кенгashi ваколатига кирадиган масалалар тўғрисида) 21 хат бошиси:

Банкнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек банк уставига жамият устав капиталини кўпайтириш, банкнинг эълон қилинган акциялари сонини ошириш ёки камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Кун тартибига киритилган масала атрофлича муҳокама қилиниб, банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти уставига қўйидагича ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

Банк уставининг 4.3 банди:

Банкнинг эълон қилинган (қўшимча) чиқарилиши мумкин бўлган акцияларнинг энг кўп миқдори 2 000 000 000 (икки миллиард) дона, номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўмлик оддий акцияларни ташкил қиласди.

Банк устави 11.4 бандининг (Банк Кузатув кенгashi ваколатига кирадиган масалалар тўғрисида) 21 хат бошиси:

Банкнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек банк уставига жамият устав капиталини кўпайтириш, банкнинг эълон қилинган акциялари

Акциядорлар йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2021 йил 02 декабр ҳолатига шакллантирилган.

2021 йил 02 декабр ҳолатига банкнинг устав капитали **12 209 350 962 000** (*Ўн икки триллион икки юз тўққиз миллиард уч юз эллик миллион тўққиз юз олтмииш икки минг*) сўмни ташкил қиласди ва у **12 209 350 962** (*Ўн икки миллиард икки юз тўққиз миллион уч юз эллик минг тўққиз юз олтмииш икки*) дона номинал қиймати 1000 (минг) сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий акцияларни ташкил қиласди.

Акциядорларнинг умумий йиғилишининг ваколатли эканлиги (кворумга эга эканлиги) бўйича сўз саноқ комиссияси раиси – Анвар Халитовга берилди.

Ўзмиллийбанк акциядорларнинг реестрига кўра, саноқ комиссияси томонидан 2021 йил 02 декабр ҳолатига йиллик умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга **12 209 350 962** (*Ўн икки миллиард икки юз тўққиз миллион уч юз эллик минг тўққиз юз олтмииш икки*) дона оддий акциялар эгаси бўлган 2 (икки) та акциядор киритилганлиги маълум қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги – **4 972 047 182** (*Тўрт миллиард тўққиз юз етмииш икки миллион қирқ етти минг бир юз саксон икки*) дона (**40,72%**) оддий акциялар ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси – **7 237 303 780** (*Етти миллиард икки юз ўттиз етти миллион уч юз уч минг етти юз саксон*) дона (**59,28%**) оддий акцияларга эгалик қиласди.

Акциядорлар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари тасдиқланди.

Саноқ комиссия йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг **12 209 350 962** донасига ёки 100,0 фоизига эгалик килувчи 2 нафар акциядор (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтганлиги ва Умумий йиғилиш ваколатли, яъни кворум мавжудлигини маълум килди.

Йиғилишга раислик қилувчи М. Норгитов Ўзмиллийбанк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди ва йиғилишида банк акциядорлари, Банк бошқарув аъзолари ва банкнинг масъул департамент директорлари, иштирок этаётганлиги тўғрисида маълум қилди.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ишчи органлари қўйидаги таркибда тузилди.

Йиғилиш Раёсати: М.Норгитов , Ж. Абдушукуров.

Йигилиши котиби: А. Халитов.

Саноқ комиссияси: А. Халитов, Д.Мирзаев, Д.Мўминов.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига қўйидаги масала киритилган:

1. Ўзмиллийбанк уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Умумий йиғилишнинг иш тартиби қўйидагича белгилаб олинди:

Кун тартибига киритилган масала бўйича ахборот бериш, музокараларда сўзга чиқиши, овоз бериш учун қўйидаги регламент ўрнатилди:

- маъruzалар бўйича муҳокомага – 10 дақиқагача;
- кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишига – 20 дақиқагача;
- кун тартибидаги масала бўйича овоз бериш учун – 5 дақиқагача.

Кун тартибига киритилган масала бўйича овоз бериш тартиби ҳам белгиланиб олинди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Ўзмиллийбанк Бошқарув раиси А.Қ.Мирсоатов сўзга чиқиб қўйдагиларни таъкидлади:

2021 йил 15 ноябр санасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки акциядорлик жамиятининг уставига №22/4 сон билан ўзгартириш киритилганлигини, унга кўра банк устав жамғармаси 12 209 350 962 000 (ўн икки триллион икки юз тўққиз миллард уч юз эллик миллион тўққиз юз олтмиш икки минг) сўм этиб белгиланганлигини ҳамда банкнинг эълон қилинган (қўшимча) чиқарилиши мумкин бўлган акцияларининг энг кўп миқдори 268 723 417 (икки юз олтмиш саккиз миллион етти юз йигирма уч минг тўрт юз ўн етти) донани ташкил этиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни талаблари, Марказий банкнинг 2021 йил 9 апрелдаги 19-20/32 ҳифу-сонли хатида келтирилган тавсияларига асосан, банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, омонатчи ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, ҳамда “McKinsey & Company” консалтинг ташкилоти томонидан ишлиб чиқилган Ўзмиллийбанкнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган банк фаолиятини трансформация қилиш мақсадида узоқ муддатли стратегиясида белгиланган режалардан келиб чиқиб, Ўзмиллийбанкнинг 2021 йил 22 майдаги акциядорлар йиллик умумий йиғилишининг 8-сонли баёнининг 3-бандида кўрсатилган (банкнинг 2020 йил учун молиявий хўжалик

сонини ошириш ёки камайтириш билан боғлиқ ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш.

2. “Ўзмиллийбанк қузатув кенгаши аъзоларига хақ тўлаш тартиби” тўғрисидаги низомга асосан банк қузатув кенгашининг 2020 йил фаолити бўйича бир марталик мукофот пули ажратилсин.

Овоз берилди: 12 209 350 962 овоз.

“Ёқлайман” -12 209 350 962 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” - 0 та овоз.

**Ўзмиллийбанк акциядорларининг
Навбатдан ташқари йиғилиши раиси**

М.Ж. Норгитов

**Йиғилиш котиби,
Банк корпоратив бошқарув
хизмати бошлиғи**

А.Ю. Халитов